

Равшан Вахидович АБДУЛЛАЕВ
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Ислом иқтисодиёти ва молияси, зиёрат
туризми кафедраси профессори,
иқтисод фанлари доктори
E-mail: ravshan.v.abdullaev@gmail.com

САУДИЯ АРАБИСТОНИ ҚИРОЛЛИГИДА ЗИЁРАТ ВА АНЪАНАВИЙ ТУРИЗМЛАР РИВОЖИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ РАЗВИТИЯ ПАЛОМНИЧЕСКОГО И ТРАДИЦИОННОГО ВИДОВ ТУРИЗМА В КОРОЛЕВСТВЕ САУДОВСКОЙ АРАВИИ

COMPARATIVE ANALYSIS OF DEVELOPMENT OF THE PILGRIMAGE AND TRADITIONAL TOURISMS IN THE KINGDOM OF SAUDI ARABIA

Аннотация: Мақолада Саудия Арабистони Қироллигида мусулмонлар томонидан адо этиладиган қамарий тақвим бўйича Зулҳижжа ойида Ҳаж ва йил давомида Умра амаллари билан боғлиқ зиёрат туризмнинг ривожланиши кўриб чиқилган. Халқаро туризм бўйича дунёнинг етакчи давлатлари ва Яқин Шарқ мамлакатларига оид асосий кўрсаткичлар статистик маълумотлар воситасида кўрсатиб берилган. Қиролликнинг жаҳон туризм индустриясида тутган ўрни ва ролига баҳо берилган.

Таянч иборалар: Зиёрат туризми, Ҳаж, Умра, даромад, ЯИМ, COVID-19 пандемияси, «Vision-2030» стратегияси, Олий комиссия, объект, анъанавий туризм, рекреацион туризм.

Аннотация: В статье рассматривается развитие паломнического туризма в Королевстве Саудовской Аравии, что связано, прежде всего, совершением мусульманами обрядов Хаджа в месяце Зуль-Хиджа по лунному календарю и Умры в течение всего года. Приведены статистические данные

по основным показателям международного туризма ведущих стран мира и Ближнего Востока. Дается оценка месту и роли Королевства в мировой индустрии туризма.

Ключевые слова: Паломнический туризм, Хадж, Умра, доход, ВВП, пандемия COVID-19, стратегия «Vision-2030», Верховная комиссия, объект, традиционный туризм, рекреационный туризм.

Abstract: The article examines the development of pilgrim tourism in the Kingdom of Saudi Arabia, which is associated, first of all, with the performance of the Hajj rites by Muslims in the month of Zul-Hijja according to the lunar calendar and Umrah throughout the year. The statistical data on the main indicators of international tourism in the leading countries of the world and the Middle East are presented. The place and role of the Kingdom in the world tourism industry is assessed.

Keywords: Pilgrimage tourism, Hajj, Umrah, income, GDP, COVID-19 pandemic, Vision-2030 strategy, High Commission, facility, traditional tourism, recreational tourism.

Кириш. Жаҳон иқтисодиётида салмоқли ўринлардан бирини эгаллаган туризм индустрияси бугунги кунда халқаро хизматлар савдоси соҳасидаги нисбатан динамик тарзда ривожланиб келаётган тармоқлардан ҳисобланади. Халқаро Саёҳат ва Туризм Ҳайъати (WTTC) маълумотларига кўра, жорий аср бошидан ҳозирга қадар дунё бўйича хорижий сайёҳлар сонининг йиллик ўсиш суръати ўртача 5 фоиздан зиёд, туризмдан келадиغان даромад эса ўртача 14 фоиздан ўсиб бормоқда [1].

Гага декларациясида туризм қуйидагича тавсифланган: “Туризм миллатлар ҳаётида барча соҳаларнинг байналмилаллашуви натижаси ўлароқ инсонлар ва замонавий жамоалар ҳаёт фаолиятида муҳим ҳисобланган шахсий, маданий, сиёсий ва иқтисодий алоқалар ўрнатишнинг асосий воситасига айланди” [2]. Шунингдек, Япониянинг Осака шаҳрида бўлиб ўтган Туризм лидерларининг халқаро анжуманида қабул қилинган Декларацияда мазкур соҳанинг миллий иқтисодиётларга қўшаётган салмоқли ҳиссасини инобатга олиб, “туризм - замонавий иқтисод феномени”, деб эътироф этилган [3].

”Бизда туризм кўпинча қадимий шаҳарларимиз, тарихий-маданий ёдгорликлар

доирасида чекланиб қолмоқда. Ваҳоланки, мамлакатимизнинг бетакрор табиати, миллий кўриқхоналар, тоғли ҳудудларда туризмни ривожлантириш учун катта салоҳият мавжуд. Айниқса, тиббиёт туризми, зиёрат туризми ва экотуризмни ривожлантириш нафақат иқтисодиёт, балки ижтимоий соҳалар ривожига ҳам катта туртки беради” [4]. Республикамизда туризмни ривожлантириш, соҳага инвестициялар жалб этиш, янги иш ўринлари яратиш, кадрлар салоҳиятини ошириш, пировардида, туризмни иқтисодиётнинг локомотив соҳаларидан бирига айлантириш масаласи бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан саналади [5].

Мақсад ва вазифалар: Ушбу мақолада Саудия Арабистони Қироллигининг зиёрат туризми ҳамда бугунги кунда анъанавий туризмни ривожлантириш соҳасидаги тажрибаси ҳар томонлама таҳлил қилинади. Статистик маълумотлар асосида Қиролликнинг туристик салоҳияти очиб берилади ва унинг жаҳон туризм индустриясида тутган ўрни ва ролига баҳо берилади. Мамлакатнинг нефтга қарамлигини юмшатиш мақсадида Саудия раҳбариятини туризмнинг муқобил турларини ривожлантириш орқали иқтисодиётни диверсификация қилишга ундаётган шарт-шароитлар очиб берилади. Хорижий мамлакатлардан, айниқса, Ғарб давлатларидан ташриф буюрадиган сайёҳларни кўпроқ жалб қилиш мақсадида «Vision-2030» йирик лойиҳасини амалга оширишнинг муҳим аҳамиятга молик экани асосланади. Саудия Арабистони Қироллигида зиёрат ва анъанавий туризмлар ривожигаги тенденциялар қиёсий таҳлил қилинади.

Материаллар ва услублар: Илмий мақолани ёзишда, аввало, республикада туризмни, хусусан, зиёрат туризмни жадал суръатларда ривожлантиришнинг долзарблиги ҳамда уни Президент Ш.Мирзиёев томонидан таъкидланиши асос бўлади. Илмий таҳлил жараёнида тегишли маълумотлар Халқаро Саёҳат ва Туризм Ҳайъати (WTTC), хориж ва республика олимларининг илмий ишлари ҳамда интернет ресурсларидан олинди. Тадқиқот жараёнида назарий методологик, тизимлаштириш тамойиллари, қиёсий таҳлил, статистик маълумотларни тизимли таҳлил қилиш асосида иқтисодий жараёнлар тенденцияларини аниқлаш ва монографик тадқиқот усулларида фойдаланилди.

Муҳокама. Саудия Арабистони Қироллиги халқаро туризм соҳасида Яқин ва Ўрта Шарқ минтақасида етакчи давлатлардан ҳисобланади. Мазкур минтақа мамлакатлари ичида ва умуман, дунёда Саудия Қироллигининг тутган мақоми халқаро туризмга оид асосий уч кўрсаткич бўйича тузилган қуйидаги 1-жадвалда яққол кўриниб турибди. 2017 йил маълумотларига кўра, Саудия минтақа мамлакатлари ичида Туркиядан кейин иккинчи ўринда туради. Жадвалга дунёнинг энг илғор давлатларидан асосий 6 таси, яъни Франция, Испания, АҚШ, Хитой, Италия ва Туркиянинг киритилганини инобатга олсак, Саудия халқаро туризм соҳасида 2017 йили жаҳоннинг 20 талик рўйхатида кирган. Шу йили мамлакатга 16 миллиондан зиёд зиёратчилар ташриф буюрган бўлиб, улардан келган даромад 14,8 млрд. долларни, унинг ЯИМ даги улуши эса 9,4 фоизни ташкил этган.

Албатта, зиёрат туризми ёки янада аниқроқ қилиб айтганда, Ҳаж ва Умра зиёрати фақатгина Саудия Арабистони Қироллиги учун хос бўлган зиёрат тури ҳисобланади. Зероки, Арабистон ярим оролида эрамининг VII асри бошларида дунёга келган Ислом динининг яккаю ягона муқаддас қадамжоси саналган Каъба, айнан, Макка шаҳрида жойлашган.

Жадвал 1.

Халқаро туризм бўйича асосий кўрсаткичлар (2017 й.) [6]

№	Мамлакатлар	Туристлар сони, млн киши	Даромад, млрд \$	ЯИМдаги улуши, %
	Франция	86,9	69,9	8,9
	Испания	81,8	68,4	14,9
	АҚШ	76,9	251,4	7,7
	Хитой	60,7	32,6	11,0
	Италия	58,3	44,5	13,0
	Туркия	37,6	31,9	11,6
	Саудия Арабистони	16,1	14,8	9,4
	БАА	15,8	20,0	11,3
	Баҳрайн	11,4	3,8	9,7
	Тунис	8,3	1,3	8,0
	Миср	8,2	8,6	11,0
	Марокаш	11,35	9,09	8,3
	Иордания	3,8	5,54	9,3
	Эрон	4,9	3,9	7,3
	Ўмон	2,4	2,7	6,6
	Қатар	2,3	15,7	10,0
	Жазоир	2,2	0,2	6,8
	Қувайт	0,4	0,64	0,5

	Яман	0,37	0,12	5,2
20.	Ўзбекистон	2,7	0,8	2,8
	(2025 й. прогнози)	7,0	2,0	

Маълумки, Ҳаж зиёрати Ислом динининг беш устунидан бири бўлиб, ҳар бир мусулмон учун фарз амаллардандир. Шу боис, ер юзиде яшовчи ҳар бир мўмин мусулмон умри давомида моли нисобга етгач, Ҳаж амалини адо этиш учун Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавварага ошиқади.

Демак, Саудияда зиёрат туризми тарихи узоқ ўтмишга, яъни VII аср бошларига бориб тақалади. Ўша даврлардан бошлаб зиёратчилар сони муттасил ошиб борган. Ҳаж мавсуми йилда бир марта ва бир даврда, яъни Ҳижрий тақвимнинг Зулҳижжа ойида бўлса, Умра зиёратини, деярли, йил давомида амалга ошириш мумкин бўлган зиёрат тури ҳисобланади.

Шубҳасиз, COVID-19 пандемиясидан энг катта талофат кўрган соҳалардан бири - бу халқаро туризмдир. Жаҳон сайёҳлик ва туризм кенгаши 2020 йил давомида пандемияси оқибатида дунё бўйлаб сайёҳлик ва туризм индустриясида 50 миллион иш ўрни қисқарганини қайд этмоқда [11]. Бунинг асорати туфайли Саудия Арабистонида ҳам Ҳаж ва Умра зиёратлари тўхтатилди. Пандемияга қадар бу ерга келадиган зиёратчилар сони мунтазам ўсиш тенденциясига эга бўлган. 2018 ва 2019 йилларда олинган маълумотларга кўра, Ҳаж мавсумида зиёратчилар сони, мос равишда, 2,2 млн. ва 2,4 млн. киши, уларга хизмат кўрсатувчи персонал билан ҳисоблаганда, деярли, 4 млн. киши атрофида бўлган. Умра зиёратига келганлар эса, мос равишда, 11,8 млн. ва 10,6 млн. кишини ташкил этган. Демак, жами Саудияга зиёрат мақсадларида йилига, қарийб 16 млн. киши атрофида ташриф буюради.

Шу ўринда Саудия Арабистонига Ўзбекистондан Ҳаж ва Умра сафарларига боровчилар ҳақида ҳам маълумот бериб ўтиш жоиздир. Мустақиллик йилларида Ўзбекистондан Ҳаж сафарига 130 мингдан зиёд, Умра сафарига эса қарийб 176 минг нафар зиёратчи бориб келган. Охириги 10-15 йил мобайнида Ҳаж зиёратига ҳар йили 5200 нафар, Умрага эса 6000 нафар борар эди. 2018-2019 йилларда ушбу рақамлар сезиларли даражада ўсди ва Ҳажга йилига 7200

нафардан ва Умрага 10-48 минг нафаргача сафар қилдилар.

Сўнгги 2-3 йил мобайнида олинган маълумотлар юқоридаги жадвалда келтирилган рақамларга ҳам мос келади. Хусусан, 2017 йилда келганлар сонининг 16,1 млн. киши ва даромаднинг 14,8 млрд.доллар эканлигидан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, ўтган 3 йил мобайнида Саудияга ташриф буюрадиган зиёратчилар сони, деярли, ошмаган. Даромад ҳам ҳамин қадар бўлгани, табиийдир. Ушбу рақамлар туризм соҳасида илк одимлар ташлаётган баъзи бир давлатларга нисбатан анча юқори, албатта. Бироқ, минтақадаги Туркия давлатига нисбатан олганда эса бу кўрсаткичларнинг анча паст эканига икром бўламиз. Туризмнинг анъанавий, рекреацион (инсоннинг жисмоний ва руҳий ҳолатини тиклайдиган), кўнгилочар кўплаб турлари тобора ривожланиб бораётган Туркияда йилига 38 млн.дан зиёд сайёҳ ҳордиқ чиқаради ва бундан мамлакат 32 млрд.доллар даромад олади. Кўриниб турибдики, бу рақамлар Саудияниқига нисбатан, деярли, 2,5 барабар кўпроқдир. Аслида Саудия ҳам худди Туркия каби денгиз соҳилларию тарихий қадамжолар, экзотик наботот ва ҳайвонот дунёси ҳамда замонавий иншоотларга эга. Фақат узоқ йиллар мобайнида бу имкониятлар Қироллик назаридан четда қолиб келди.

2016 йилда нефть нархларининг мисли кўрилмаган даражада, яъни 1 баррель нефтнинг 27,5 долларга тушиб кетиши нефть экспортига суяниб қолган мамлакат иқтисодиётини анчагина оғир аҳволга солиб қўйди. Бунинг оқибатида ҳукумат, хатто Давлат бюджети харажатларини қисқартириш чоратадбирларини кўришга мажбур бўлди. Қирол қарори билан барча вазирлар, депутатлар ва бошқа бюджет ташкилотлари ходимларининг ойлик маошлари 20 фоизга қисқартирилди. Кўпгина мансабдор шахсларга бериладиган хизмат машиналари тўхтатилди.

Иқтисодиётдаги оғир вазият ҳукуматни бошқача, яъни таъбир жоиз бўлса, ноординар ва инновацион фикрлашга мажбур этди. Узоқ даврлардан буён Қирол қалбини ғаш қилиб келадиган нефтга маҳкумлик балосидан фориг бўлиш мақсадида дунё томон илк қадамларни қўйиш вақти келгани аён бўла бошлади. Шу боис, Саудия Арабистони Қироллиги ўз

иктисодини 2030 йилга қадар диверсификация қилишни режалаштирмоқда. Бутун дунё учун анъанавий ҳисобланган замонавий, когнитив (маърифий), рекреацион туризм турларини ривожлантириш ушбу сиёсатнинг устувор йўналиши сифатида қаралмоқда.

Туризм вазири Аҳмад Ҳотиб 2019 йил 27 сентябрь - муборак жума кунини Саудия учун тарихий кун деб, эътироф этди. Зероки, шу кундан эътиборан 49 та давлат фуқароларига туристик визалар бера бошланди [6]. Таъкидлаш жоизки, бунга қадар Саудия Арабистонига турист бўлиб келиш амри маҳол эди. Номусулмонлар эса умуман, Макка ва Мадина яқинига йўлатилмаган, бизнес ва бошқа турдаги визаларни олиш ҳам катта муаммо бўлган.

Мамлакатнинг сайёҳлар учун очилиши - бу тахт вориси шаҳзода Муҳаммад бин Салмоннинг иқтисодий ислохотлар дастуридаги бир банддир. Ислохотлар, пировардида, Қироллик ўз иқтисодиётини нефтга қарамликдан сезиларли даражада халос қилиши даркор. Дастурга мувофиқ, расмий Эр-Риёд 2030 йилгача Саудия Арабистонига ташриф буюрувчи хорижликлар сони йилига 100 миллион кишига етишини умид қилмоқда. Туристлик секторнинг ўсиши ҳисобига мамлакатда миллионга яқин янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилган [6].

2016 йилда қабул қилинган «Vision-2030» стратегиясига биноан, мамлакатда нефтга боғлиқ бўлмаган секторнинг иқтисодиётдаги ҳиссаси 15 фоиздан 50 фоизга ортиши ҳисобига Саудиянинг жаҳон иқтисодиётдаги ўрни 20-дан 15-ўринга кўтарилиши лозим. Натижада меҳнат бозорида аёллар ҳиссаси 22 фоиздан 30 фоизга кўтарилади, ишсизлик эса 11,6 фоиздан 7 фоизга тушади. Шунингдек, ҳукумат Ҳаж ва Умра зиёрати учун ҳам қатор енгилликлар жорий қилиб, 2025 йилга қадар зиёратчилар сонини 30 млн.га, бошқа сайёҳлар сонини эса 22 млн.га етказишни режалаштирмоқда [7].

Статистик маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилишга ихтисослашган АҚШ нинг «Кноета» компанияси томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, пандемиягача бўлган охириги уч йил мобайнида Қироллик иқтисодиётининг туризм секторида ўсиш тенденцияси яққол кўзга ташланади. 2017 йилдан 2020 йилнинг бошларига қадар мамлакат ЯИМ га туризм секторининг қўшган умумий ҳиссаси, мос равишда, 65,2млрд.

(9,0%), 70,6млрд.(9,2%), 76,5млрд.(9,3%) АҚШ долларини ташкил этди. Худди шу манбанинг бошқа маълумотларига кўра, 2016 - 2018 йилларда ташриф буюрган зиёратчилардан, мос равишда, 13,4млрд., 15,0млрд., 16,9млрд. АҚШ доллари миқдорида соф даромад олинди [8]. Таъкидлаш жоизки, мазкур кўрсаткичларнинг бири ЯИМ га қўшилган ҳисса бўлса, иккинчиси соф даромадни ўзида акс эттиради. Сўнгги 3-4 йил мобайнида ҳар иккала кўрсаткичда ҳам ўсиш тенденцияси кузатилган.

Саудия Арабистони Қироллигининг маданий ва табиий диққатга сазовор жойлари, хусусан, қадимий харобалар ва шаҳарлар, миллий парклар, ёввойи ўрмонлар, Қизил денгиз ва Форс кўрфази соҳилларидаги пляжлар, экзотик табиати ва бошқа замонавий иншоотлари бугунги кунда миллионлаб сайёҳларни ўзига жалб этмоқда. Мазкур объектларнинг барчаси Қиролликнинг 2000 йилда таъсис этилган “Туризм ва қадимий обидалар” бўйича Олий Ҳайъат тасарруфида бўлиб, уни шаҳзода Султон бин Салмон ибн Абдулазиз бошқаради. Мамлакатдаги маданий мерос объектларининг аксарият қисми ғарбий ва жануби ғарбий соҳилларни ўз ичига олувчи Асир, Табук ва Эл-Баха вилоятларида жойлашган [9].

Сўнгги йилларда Саудия Арабистони ўзининг маданий - тарихий обидаларини ЮНЕСКО ниинг Умумжаҳон мероси объектлари Рўйхатига киритиш бўйича фаол сиёсат юритмоқда. Мамлакат мутасаддилари миллий обидаларга ана шундай халқаро мақомнинг берилиши, аввало, уларнинг кадр қиммати ва аҳамиятини оширишига ҳамда сайёҳларда, айниқса, ғарб давлатларидан ташриф буюрадиган туристларда улкан қизиқиш уйғотишига қатъий ишонч билдирмоқдалар. 2009 йилда ЮНЕСКО рўйхатига Мадина шаҳридан 300 км шимолда жойлашган Ал-Хижр объекти - наботийларга оид Мадаин Солиҳ шаҳри киртилди. Шунингдек, мазкур рўйхатга киритилган яна бешта йўналиш, яъни Жидда шаҳрининг тарихий маркази, мамлакат шимоли ғарбида жойлашган Хаил қоятош ёзувлари, Эт-Турайф тарихий минтақаси, Катар давлати чегарасига яқин худудда жойлашган Ал-Ахса оазиси, Ал-Ула қадимий шаҳар харобалари сайёҳлар эътиборини жалб этиши муқаррар [7].

Бундан ташқари, мамлакатда замонавий диққатга сазовор жойлар мавжуд, жумладан,

Ал Мамлака 47 каватли осмонўпар бино, қирол Фаҳд номидаги улкан араб чодир шаклида қурилган стадион, Саудия Қироллигини Баҳрайн давлати билан боғлайдиган машҳур 25 километрлик кўприк, Жидда шаҳрида бунёд этилган дунёдаги энг баланд (312 м.) қирол Фаҳд фаввораси каби кўплаб замонавий архитектура объектлари шулар жумласидандир. 2017 йилда Эр Риёд туризм соҳасида йирик лойиҳани эълон қилган эди. Унга кўра, Қизил денгизда жойлашган 50 та оролда қиммат меҳмонхоналар қурилиши режалаштирилган. Шунингдек, пойтахт яқинида мавзули ва табиий парклар ҳамда йирик спорт мажмуаларини ўзида мужассам этган “Киддии” кўнгилочар мега комплекси қурилиши бошланган. Эр-Риёдда дунёда энг катта шаҳар парки қурилиши режалаштирилган. Мазкур лойиҳага кўра, ҳудудда 7 миллион дарахт экилиши, замонавий театр, очиқ осмон остидаги саҳна, тасвирий, мусикий ва драматик санъат академиясини барпо этиш кўзда тутилган. Яқин истиқболда авиация, космонавтика, фан, архитектура ва замонавий технологиялар музейлари ҳам барпо этилиши белгилаб қўйилган.

Муҳими, Саудия Арабистони Қироллиги ҳукумати эски консерватив тафаккурдан воз кечган ҳолда, замон билан ҳамнафас, туризм соҳасида эса пешқадам бўлишга интилоқда.

Натижалар. Тадқиқотимиз жараёнида амалга оширган таҳлилларимиз қуйидаги ҳулоса ва таклифларни беришимизга асос бўлади:

- Саудия Қироллигидаги зиёрат туризми узок тарихга эга бўлиб, ислом динининг арконларидан саналган Ҳаж ва Умра амалларини адо этиш билан боғлиқ;

- Ҳаж ва Умра зиёратига келувчилар сони йиллар давомида муттасил ошиб борган. Бунга мутаносиб равишда ундан келадиган даромад ҳам ўсиб борган;

- 2016 йилда нефть нархларининг мисли қўрилмаган даражада тушиб кетиши ва иқтисодиётда оғир вазиятнинг юзага келиши туфайли Қироллик нефтдан ҳоли соҳаларни ривожлантиришга қарор қилади;

- Саудия Арабистони Қироллигида зиёрат туризмига муқобил равишда анъанавий туризм турларини ривожлантиришнинг бой имкониятлари мавжуд;

- «Vision-2030» дастурининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши Саудияда

анъанавий туризмнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар яратди;

- Мамлакатда туризмнинг барча турларини ривожлантириш натижасида иқтисодиётнинг нефтга қарамлиги 50 фоизгача қисқариши кутилмоқда;

- Саудия Арабистонининг зиёрат ва анъанавий туризм соҳасидаги тажрибасини чуқурроқ ўрганиш ва уни Ўзбекистон шароитида ҳам татбиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Саудия Қироллиги иқтисодиётига зиёрат туризмидан келадиган даромад бирмунча чекланган бўлиб, унга муқобил равишда туризмнинг анъанавий турларини ривожлантириш мамлакатни иқтисодий тангликдан олиб чиқади ва нефтга қарамлигини юмшатади. Шунингдек, мамлакатнинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни тобора юксалиб бораверади.

Юртимизда Саудиянинг Ҳаж ва Умра зиёратларини ташкил этиш соҳасидаги бой тажрибасидан унумли фойдаланишни тавсия этган бўлардик.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. WTTC статистик маълумотлари асосида.
2. Гагская декларация по туризму (Принята Межпарламентской конференцией по туризму в Гааге (Нидерланды) 14 апреля 1989 г.) <http://www.unwto.org>
3. Осакая декларация современности (Принята Конференцией лидеров туризма Тысячелетия 30 сентября-1 октября 2001. в г. Осака, Япония) <http://www.unwto.org>
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасидан, 28.12.19й.
5. Абдуллаев Р. Туризм Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари иқтисодиётининг устувор йўналиши сифатида. SHARQSHUNOSLIK. №3, 2019. Б.135.
6. Международный туризм knoema.ru маълумотлари асосида тузилган.
7. <https://www.bbc.com/russian/news>
8. <https://lenta.ru/articles/2019/11/13/tourisminsaudiarabia/>
9. <https://knoema.ru/atlas>
10. Аигина Е.В. Саудовская Аравия: рождение новой туристской дестинации. Туризм и рекреация: фундаментальные и прикладные исследования.
11. Худояров А.А. Ўзбекистонда зиёрат туризми бозорининг ривожланиш хусусиятлари ва тенденциялари. Монография. – Тошкент: Compliers Print, 2020.